ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

**УДК:391(575.172)** Қўлёзма хуқуқида

ИСКАНДАРОВА ДИЛДОРА КАЗАКБАЙ ҚИЗИ

# Қорақалпоқ миллий либосларининг конструктив-декоратив ечими ва кўп қаватлигининг таҳлили.

5А150901 –Дизайн (костюм дизайни)

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

диссертация

Илмий раҳбар:

проф. Х.Х. Камилова

Илмий маслаҳатчи:

проф. З.И. Рахимова

Тошкент-2015

МУНДАРИЖА

**Кириш**..................................................................................................................

**I.боб.Адабиётлар шарҳи**..............................................................................

1.1.Қорақалпоғистон ҳудудининг тарихи,географик тузилиши........................

1.2.Қорақалпоғистон миллий маданияти (урф- одатлари, маросимлари, кийимлари ва кийиниш маданинияти)...........................................................

**IIбоб.Тажриба-синов қисми**..........................................................................

2.1.Қорақалпоқ анъанавий миллий либосларининг музейлар бўйича тахлили…………………………………………………………………

2.2.Қорақалпоқ анъанавий миллий либосларининг умумий кўриниши, кўп қаватлилиги,ишлатиладиган матолари ва безаклари......................................

2.3.Қорақалпоқ анъанавий миллий либослари бичимларини тизимлаштириш ва тикиш технологияси.....................................................................................

**III боб.Лойиҳа қисми**...........................................................................................

3.1. Тадқиқотқисми…………………………………………..……............

3.2. Этноуслубиниривожланиши……………………………........………....

3.3. Дизайнқисми……………………………......…………………….......

3.4. Конструктив қисм......................................................................................

Хулоса........................................................................................................

ФойдаланилганАдабиётлар ..........................................................................

Илова..........................................................................................................

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

Факультет Енгил саноат технологиясиМагистратура талабаси Искандарова Д.Қ

Кафедра Либослар дизайни Илмий раҳбар проф.Камилова. Х.Х

Ўқув йили 2013-2015 Мутахассислиги 5А150901

**МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ**

- **мавзу долзарблиги**; Мазкур диссертацияда Қорақалпоғистон Республикасининг миллий либослари ҳудуддаги музей экспонатларидан, адабиётлардан миллий либосларининг конструктив бичимлари, декоратив ечимлари, кашта нақшлари ўрганиб чиқилди ва тахлил қилинди.
- **ишнинг мақсади ва вазифалари:** Қорақалпоқ миллий либосларининг декоратив ечимларини тадқиқ этиш. Қорақалпоқ ҳудудига тегишли миллий либосларини аёллар,эркаклар,болалар либосларидаги нақш элементларини, этнографик либослар бичимларини ўрганган ҳолда маълум бир тизимга солиш. Қорақалпоқ ҳудудига тегишли либослар конструксияларини ўрганиш, либосларда қўлланиладиган матолар ва кашта нақшларининг таснифини бериш.
- **тадқиқот объэкти ва предмети:**тадқиқод объэкти сифатида Қадимги Қорақалпоқ миллий либосларини Қорақалпоғистон Республикасидаги музейларидан олинган расмлар, ёзма манбаалар, маълумотлар, намуналари тадқиқот предмети сифатида эса Қорақалпоқ миллий либосларини ўрганиб, реконструксиялаш.
- **тадқиқотнинг илмий янгилиги:** режа асосида илмий адабиётлар ўрганилди ва олинган маълумотлар тегишли тарзда тавсифланди, музей экспонатлари билан таққосланиб ўрганилди.
- **бажарилган ишнинг асосий натижалари;** музей экспонатларида кўрсатилган либослар моделларининг бичимлари қайта конструкциялари тузилди ва шу асосида либослар коллекцияси яратилди.
- хулоса ва таклифларнинг қисқача умумлаштирилган ифодаси:

Илмий раҳбар: проф.Камилова. Х.Х

Магистратура талабаси: Искандарова Д.Қ

**MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIAL EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**
**TASHKENT INSTITUTE OF TEXTILE AND LIGHT INDUSTRY**

Faculty:"Technology of lightindustry" Student of master course:Iskandarova D.K
Department:"Costume design" Scientific researcher:dost.KamilovaKh.Kh
Study year: 2013-2015 Specialty:5A150901

## ANNOTATION OF MASTER'S DISSERTATION

**Topicality of the research** is conditioned by the followings : In this paper, national clothen of Karakalpak Republic, exhibits of local museums national outfit constructive models from literature, decorative parts, embroidery patterns have been analyzed.

**Aim and tasks of research** to research decorative unravels of Karakalpak national costumes to systematize embroidery elements on men, women and children's clothes by studying ethnographic costume styles belonging to Karakalpak territory. To explore local Karakalpak garment designs, moreover, to depict the applied fabric and embroidery patterns.

**Subject and object of research:** As the object of the paper we have chosen the ancient Karakalpak national clohthes, the photos, printed resources, information samples taken from the museums of Karakalpak republic, and as the subject - the study and new styles design of Karakalpak national attire.

**-Novelty of the work**:scientific literature on plan was studied, taken information was analyzed and the dresses were compared with museum pieces and studied.

**-Significance of the research**:Creating the traditional national dresses collection ofKarakalpak.

**-Structure of the work**:Dissertation work consists of introduction,threechapters,list of literature and offers.Size of the work is 80 pages.

**-Results of the work:**Master's dissertation work is connected with researching the uzbek national dresses and it was studied their origin and tasks.

**-Conclusion and offers**:National dresses were created on the base of uzbek national dresses pattern.

Scientific researcher: prof. KamilovaKh.Kh
Student of master course:Iskandarova D.K

## Кириш

**Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги:**Қадимги миллий либосларимизнинг гўзаллиги, ранглар жилвадорлиги, ҳар бир воҳанинг кашта нақшларининг ўзига хослиги, либосларнинг кийиш кетма-кетлиги, кўп қаватлилиги, ҳар доим дизайнерларни қизиқтириб келган. Гўзаллик ва қулайлик, эстететик нормалар бадиий лойиҳалашнинг этакчи ижодий ақидасидир. Бу гўзаллик ўзида миллийлигимизни ифодаласа мақсадга мувофиқ бўлар эди, бинобарин “Биз тарихий халқ анъаналари, урф-одатлари ва маросимлари асосида одамлар онгини шакллантириш омилларини кучайтиришимиз зарур” – деб таъкидлайди президентимиз И.Каримов [1].

Бу шу ўринда ўзбек миллий кийимларини ўрганишни тақозо этади. Кийимлар моддий ёдгорликлар ичида халқнинг миллий ўзига хослигини ва этник белгиларини кўрсатувчи мезондир. Кийимларда урф-одатлари, ижтимоий муносабатлар, мафкуранинг баъзи бир элементлари, диний эътиқодлар ўз аксини топган. Миллий қадриятлар ва анъаналарни ўрганиш, айниқса , баркамол авлод тарбиясида муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, президентимизнинг И.Каримов тарихнинг миллат тарбиясидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида шундай деган эдилар: “Тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячасига айланиб бормоқда. Буюк аждодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий ҳотирамизни жонлантириб , янги фуқоролик онгини шакллантирмоқда. Аҳоли тарбия ва ибрат манбага айланмоқда” [2].

Дизайнерларнинг вазифаси инсонларга иқлим шароитига мос, минталитети, миллий урф-одатларига монанд ҳамда миллий ўзига хослигини акс эттирувчи либосларни тақдим этишдан иборат. Шу ўринда аждодларимизнинг либос ва матолартайёрлашдаги тажрибаларини ўрганишимиз мақсадга мувофиқ. Ҳозирги замонамизда миллий либосларимизга бўлган талаб ортиб бормоқда. Миллий либосларимизни

бичимларини музейлардаги экспонатларидан ўрганиб чиққан ҳолда ўзига хос бичимларни тизимлаштириб,замонавий либослар яратилмоқда.

**Тадқиқот объэкти ва предмети:** тадқиқод объэкти сифатида Қадимги Қорақалпоқ миллий либосларини Қорақалпоғистон Республикасидаги музейларидан олинган расмлар, ёзма манбалар, маълумотлар, намуналаритадқиқот предмети сифатида эса Қорақалпоқ миллий либосларини ўрганиб,реконструксиялаш.

**Тадқиқот мақсади ва вазифалари:** Қорақалпоқ миллий либосларининг декоратив ечимларини тадқиқ этиш. Қорақалпоқ ҳудудига тегишли миллий либосларини аёллар, эркаклар, болалар либосларидаги нақш элементларини, этнографик либослар бичимларини ўрганган ҳолда маълум бир тизимга солиш. Қорақалпоқ ҳудудига тегишли либослар конструксияларини ўрганиш, либосларда қўлланиладиган матолар ва кашта нақшларининг таснифини бериш.

**Тадқиқотнинг асосий масалалари ва вазифалари:**Қорақалпоқ ҳудудига тегишли миллий либосларини мавжуд илмий адабиётлар ва сақланиб қолган музей экспонатлардан ўрганиб тўлароқ тасаввурга эга бўлиш, ҳамда ўрганилган этнографик либосларни кўрсатиб бериш. Бунда йўқолиб кетган миллий либосларни қайта тиклаш мақсадга мувофиқдир.

**Тадқиқоднинг илмий янгилиги:** режа асосида илмий адабиётлар ўрганилди ва олинган маълумотлар тегишли тарзда тавсифланди, музей экспонатлари билан таққосланиб ўрганилди.

**Мавзу бўйича қисқача адабиётлар тахлили:**Қорақалпоқ ҳудудидаги миллий либослар тўғрисида бир қанча адабиётлар келтирилиб ўтилган. Хусусан, Карлибаев.М.А, КурбановаЗ.И,Алламуратов А. Жданко Т, Горожанкина Е, Есбергенов Х, АтамуратовТ каби муаллифларнинг нашрларидан фойдаланилди. Шу билан бир қаторда Марказий Осиё тарихини ўз ичига олган адабиётларда айрим маълумотлар учрайди. Журналларда чоп

этилган мақолалардан олинди. Шу билан бирга энг катта манбалардан бири музей экспонатлари ҳамдир.Мавзуни ёритишда Қорақалпоғистон Республикаси И.В.Савицский номидагидавлат санъат музейи ва Қорақалпоқ Ўлкашунослик музейи экспонатлари ўрганилди.

**Тадқиқодда қўлланилган услубларнинг қисқача тахлили:** статик таҳлил ва ишлов бериш усулларидан фойдаланилди. Бунда адабиётлар ўрганилди ва ечилмаган муаммоларни излаш мақсадида музей фондлари ўрганилди. Олинган натижалари умумлаштириб тахлил қилинди.

**Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти:** мавзу атрофлича ўрганиб, хулоса чиқарилди. Мавзунинг долзарблиги ва миллий кийимларнинг реконструксиялаш, қайта тиклаш асосий вазифалардан бири еканлигини асосланди. Мавзу бўйича “Қорақалпоғистон костюмларининг ўзига хос хусусиятлари” номли мақола чоп этирилди.

**Диссертатция таркибининг қисқача таснифи:** диссертация кириш, асосий қисм 3 боб, хулоса, илова ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 86 бетни ташкил этади.

# I боб.Адабиётлар шарҳи

## 1.1.Қорақалпоғистон ҳудудининг тарихи, географик тузилиши

Қорақалпоғистон ҳудудида одам сўнги палеолит давридан яшай бошлаган. Мил.ав. беш минг йиллик икки минг йиллик бошларида аҳоли , асосан, Амударё делтаси ва Орол, Касбий денгизлари ён атрофларидаги чўлларда жойлашган. Мил.ав. икки минг йиллик оҳирида бу ҳудудда суғориладиган деҳқончилик пайдо бўлган. Мил. ав.VII-VI асрларда Қорақалпоғистон ҳудудида қадимги давлатчилик марказлари юзага келган. Мил.ав. IV асрда Аҳомонийлар салтанати таркибидан ажралиб чиққач, ягона қадимги Хоразм давлати ташкил топди. Қўйқирилган қалъа, Ойбўғир ва Бурлиқалъа шаҳарлари харобаларини қазиш вақтида қадимги ёзма ёдгорликлар (мил.ав. IV асрларга оид. Қўйқирилган қалъа ва Оқшохон қалъа қадимги тасвирий санъат ва ҳайкалтарошлик ёдгорликлари) топилди (Иловада *1-расм*)[3]. Хоразмшоҳларнинг Тупроқ қалъа (мил.ав.III-IV аср бошлари) саройи сўнги антик даврнинг энг улкан ёдгорликларидан бири ҳисобланади (Иловада *2-расм*). VIII асрларда араблар олиб келган ислом дини зардуштийлик ақидаларини суриб чиқарди.XII-XIII асрларда буюк Хоразмшоҳлар давлати Ғарбий Осиёнинг ва Ўрта шаркда энг йирик ва кучли давлат еди (Иловада *3-расм*). XIII асрларда мўғиллар истилосидан сўнг бу давлат парчаланиб кетди. XIV асрларда Хоразм Олтин Ўрданинг энг бой ва маданий вилоятига айланди. Қорақалпоқ ҳудидидан Осиёдаги қўшни мамлакатлар, Дашти Қипчоқ ва Волга бўйига муҳим савдо йўллари ўтган ва халқаро савдода муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Қорақалпоқларнинг энг қадимги этногенези Амударё делтаси ва Орол Касбий бўйи чўлларида мил.ав. VII-IV асрларда яшаган сак-массагет қабилалари билан боғлиқ. VI-VIII асрларда маҳаллий аҳоли билан туркий қабилалар қисман аралашиб кетган*(Иловада 4-расм)*. VII-X асрларда бижанак (печенег ва ўгизлар муҳитида қорақалпоқ миллати шакллана бошлади[4].

Чингизхоннинг босқинчилик харакатлари воҳани чўлга айлантирган, Амударё қуйи оқими атрофларида яшаган аҳолининг кўплаб қисми кўчиб кетишига сабаб бўлган.Қорақалпоқлар ғарбда Ўзбўй, Волга ва Уралтомонга кўчиб ўтганлар. У ерда Олтин Ўрда таркибида бўлганлар. Улар Рашидуддин асарида "қавми кулоҳи сиёҳ" деб аталган. Қорақалпоқларнинг аксарият қисми XVII-XVIII асрнинг ўрталарида Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимларида яшаган. XVIII асрнинг ўрталарида сиёсий воқеалар, яъни қозоқ хони Абулхайрхон қорақалпоқ ерларига ҳужум қилиши оқибатида улар Сирдарё делтасидаги ғарбий тармоғи – Жанадарё бўйларига кўчиб ўтдилар ва Амударёнинг қуйи оқимида яшовчи қорақалпоқлар орол ўзбеклари билан бирлашиб, маркази дастлаб Қўнғирот, сўнгра Шоҳтемир (ҳоз.Чимбой) бўлган давлат (Орол мулкини) туздилар.Қорақалпоқлар асосан, чорвачилик,деҳқончилик ва балиқ овлаш билан шуғулланганлар.1811-йил Қорақалпоқлар Хива хонлигига тобе бўлди. 1873-йил дарус подшо қўшинларининг Хивага қилган юрушидан сўнг ва Гандимиён шартномаси тузилгач, Амударёнинг ўнг соҳилидаги қорақалпоқлар яшайдиган ҳудуд Россияга қўшиб олинган ва бу ерда Туркистон генерал губернаторлигининг Сирдарё вилояти Амударё бўлими 2 уйезд: маркази Тўрткўл қалъаси бўлган Шўрахон ва маркази Чимбой бўлган Чимбой уйездига ажратилди. Шундай қилиб, қорақалпоқлар яшайдиган ҳудуд 2га ажратилиб ташланди. Чап соҳил қисми Хива хонлиги таркибида қолди.Бу эса қорақалпоқларнинг сиёсий ва миллий бирлашувига ғов бўлди[5].

Мустамлакачилик зулми 20 аср бошларида зўрайиб кетди.1916 йилда Чимбой,Тўрткўл ва бошқа жойларда подшо Россияси сиёсатига қарши қўзғолонлар бўлди.1917 йилда подшо ҳукумати ағдарилгач,ўнг соҳил қисми Туркистон АССР таркибига кирди, 1918 йилда бу ерда шўролар ҳокимияти ўрнатилди.1919 йилда Чимбой волостида халқ қўзғолонлари бошланди. 1920 йилда Амударё бўлими Туркистон АССР нинг Амударё вилоятига, апрелда

Қозоғистон Қорақалпоғистон мухтор вилояти тузилди.Ўша йилда чап ва ўнг соҳил бирлашиб, ягона Қорақалпоқ мухтор вилояти мақомида қозоғистон мухтор республикаси таркибага кирди. 1924 йил октабрда Ўрта Осиё совет республикаларида миллий-давлат чегараланиши давомида Туркистон АССР таркибидаги Қорақалпоқ мухтор вилояти тузилди.1929 йилда Тахтакўпирда кўплаб маҳаллий аҳоли колхозлаштириш сиёсатига қарши чиқди. Бу воқеа Қорақалпоғистонни Россияга Федерациясига бевосита қўшиб олиш учун асосий сабаб бўлди. 1932 йил мартда Қорақалпоғистон мухтор вилояти Қорақалпоғистон мухтор республикасига айлантирилди. 1936 йилдан Ўзбекистон таркибига Қорақалпоғистон бир қанча репрессияларни бошдан кечирди: 1917-22-йил, 1928-30-йил, 1932-33-йиллар, 1934-36-йиллар, 1936-38-йиллар, иккинчи жаҳон уруши ва урушдан кейинги йилларда. Ўша даврларда анъанавий жамоат, хўжалик ва маданий муносабатлар йўқ қилинди, бир неча ўн минг киши қатағонга учради. 1950-1980 йилларда Қорақалпоқ тоталитар бошқарув тизими ҳукмрон бўлди. Пахта якка ҳокимлиги, қишлоқ хўжалигидаги маъмурий буйруқбозлик сиёсати агрор муҳитнинг бузилиши ва Орол денгизининг қуришига олиб келди.Орол фожияси регионда ижтимоий-иқтисодий муаммоларини келтириб чиқарди, аҳоли соғлигининг ёмонлашувига олиб келди.1990 йил 14 декабрда Қорақалпоғистон Республикаси суверенитети эълон қилинди. 1991 йил 31 августда бу ҳолат “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги Қонунда ўз аксини топди. 1993 йил 4- декабрда давлат мадҳияси тасдиқланди. Миллий мустақиллик даврида республика суверенитетининг меъморий-ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди, янги маъмурий ҳокимият тузилмалари фаолияти ўрнатилди. Республикада 17 шаҳар ва туман ҳокимияти, фуқароларнинг  фуқароларнинг маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ташкил этилди, 200дан ортиқ жамоат ташкилотлари ишлаб турибди[6].

*Қадимги Қорақалпоқ (қадимги Хоразм) ҳудудидан топилган ёдгорликлар.*Хоразм Амударёнинг қуйи оқимида жойлашган. Бу гуллаб яшнаган ўлкани Қорақум, Қизилқум чўли ва Орол Каспийнинг кўз илғамас кенгликлари ўраб туради.Қадимий Хоразм ҳудуди ҳозирги кунда Қорақалпоғистон, Ўзбекистон Республикаси Хоразм вилояти ва Туркманистон Республикасининг Тошҳовуз вилоятига бўлинган.Бу ҳудудда ўтмишда юксак тараққий этган Хоразм давлати мавжуд бўлган. Орол денгизининг жанубий тарафидаги кенгликлар қаърида, қадимий Хоразм давлатининг юксак маданиятидан далолат берувчи кўплаб санъат ёдгорликлари кўмилиб ётибди. Археолог олимлар бу ердан жуда ноёб қадимий санъат дурдоналарини топишиб, қадимги Хоразм давлатининг ўтмиш қаърида унутилиб кетган шонли тарихи саҳифаларини очиб кўрсатдилар. Улар қўлга киритган манбалар минг йиллар аввал яшаб ўтган аждодларимизнинг бой маънавияти билан яқиндан таништиради. Олис замонларда нозик дид билан яратилган лой ҳайкалчалар, кичик терракоталар, эрамизнинг II асридаги Хоразмшоҳлари саройи деворларига ишланган суратлар бу ўлкада қадимда санъат бениҳоя равнақ топганидан далолат беради. Тупроқ-қалъа қадимги Хоразм давлатининг ноёб меъморий обидаси саналади. Бу жойдан топилган сопол буюмларда турли жонзотлар ва одамлар қиёфаси нозик маҳорат билан тасвирланган [7].

*Рангтасвир.*Аксарият маъмурий бинолар деворлари ганч нақшлар ҳамда тасвирлар билан безатилган. Қўйқирилган қалъасида олиб борилган қазилмалар чоғида топилган расадхона, ибодатхона деворларида шундай тасвирлар мавжуд. Унда ёш ўспириннинг камон отаётгани тасвирланган. Девордаги тасвирда ўспириннинг юз қиёфаси ва қўлининг бир қисми аниқ сақланиб қолган. Ганч сувоқ қилинган девор сиртига ишланган бу тасвир анча яхши сақланган. Сурат устидан қора бўёқ берилган.

Ўсмирнинг юзи сариқ-қизғиш тусли, лаблари қизил, бош кийимсиз, сочлари қоп-қора. Тасвирнинг қачон ишлангани аниқ эмас. У эрамиздан аввалги VI-I асрларда ишланган, деб тахмин қилиш мумкин. Эрамиздан аввалги III асрда Тупроққалъада Хоразм шоҳларининг саройлари бўлган. Бу ердан кўплаб ганч тахтачалар устига турли табиий бўёклар билан ишланган деворий расмлар топилди.Ушбу деворий суратларни чизишда қора бўёқлардан фойдаланилган(Иловада*5-расм*).Лекин қизил ва жигарранг кўпроқ ишлатилган. Шунингдек, яшил, кўк, малларанг тусли бўёқлар ҳам қўлланилган.Тупроққалъа саройи деворлари ҳам нақшлар, ҳам сюжетли суратлар билан безатилган. Суратларда одамлар, қушлар, турли жонзотлар, жумладан, афсонавий мавжудотлар қиёфаси гавдалантирилган.Суратлардан парчаларгина сақланиб қолгани учун деворий тасвир сюжети мазмунини билиб бўлмайди. Суратнинг сақланиб қолган бўлакларини шартли тарзда "Мулозимларни бошлаб бораётган коҳин", "Арфа чалаётган қиз", "Қизил либосли аёл" деб номлаш мумкин[8].

*Ҳайкалтарошлик*. Ҳайкалтарошлик асарлари Тупроққалъадан топилган қадимий ёдгорликларнинг аксарият қисмини ташкил этади. Улар турли-туман шаклда, ҳар хил ҳажмда. Ҳайкалларнинг бир қисми сариқ тоза тупроқли лойдан ичига ёғоч қобирға (асос) қўйиб ясалган ва усти ганчланиб, нақшлар чизилган. Қуйма ганч ҳайкаллар, нақшлар билан одатда, Хоразм шоҳлари саройининг ташқи деворлари безатилган. Улар турлича шаклда, ҳар хил ҳажмда бўлган. Ҳайкалларнинг пастки қисмигина асл ҳолида сақланиб қолган. Ҳайкалларнинг тана қисми, боши, кийимлар, тақинчоқлар акс эттирилган бўлаклари сарой ҳовлисида уюлиб ётган кесак-тупроклар орасидан топилган(Иловада *6-расм*).

Шоҳлар, маликалар, мулозимлар, қўшиқчилар, мусиқачилар ҳайкаллари деворлар бўйлаб айланасига жойлаштирилган. Композициянинг умумий асоси шу тарзда белгиланган. Шунинг учун ҳайкалтарошлар кўпинча

тасвирлаётган қиёфани умумлаштиришга, улуғвор кўрсатишга ҳаракат қилишган.Қадимги Хоразм афсонавий шоҳлари атрофидаги амалдорлар, хизматкорлар қиёфаси ҳам салобатли, улуғвор кўринишда тасвирланган. Рақс тушаётган ўйинчилар, учаётган зафар илоҳлари, тож кияётган илоҳнинг қиёфаси эса ҳаракатланаётган ҳолатда кўрсатилган[9].

Биз кўҳна Қорақалпоқ санъатининг баъзи жиҳатлари тўғрисида сўз юритдик. Қуйи Амударё ҳудудида қадимда яшаган аждодларимиз яратган бу санъат халқ ижоди нақадар улуғвор эканлигини намоён этади. Кўҳна Хоразм маданияти ёдгорликлари Ўзбекистон қадимий санъати тарихида алоҳида ўрин тутади. Бу ёдгорликлар Ўзбекистон халқларининг олис аждодлари жаҳон санъати хазинасига улкан улуш қўшганидан далолат беради.

*Терракота* . Терракота ҳайкаллар қадимги Хоразмда эрамиздан аввалги IV асрда пайдо бўлган. Бу пайтда Хоразм аҳмонийлар салтанати таркибидан ажралиб чиққан ва мустақил давлатга айланган. Балки ўша даврда ғоявий жиҳатдан қандайдир ўзгариш рўй берган бўлса керакки, қадимий хоразмийлар сиғинган илоҳларнинг бир хилдаги кичик антропоморф ва зооморф тасвирлари кенг тарқалган.Антропоморф тасвирлар орасида хотин-қизлар ҳайкаллари кўпроқ.Уларнинг аксарияти лойдан калибе шаклида бир хил қилиб ишланган.Эрамиздан аввалги III асрдан бошлаб эса ганчдан ҳайкалчалар ясаш анъанага айланган. Эрамизнинг IV асри охирига келиб, илохдар қиёфасини бир хил қолип асосида тасвирлаш бутунлай барҳам топган.Бу пайтга келиб, илоҳларни бўйнига шарф ўраган ҳолда гавдалантириш кенг ёйила бошлаган(Иловада*7-расм*).

Бу тарздаги ҳайкаллар ясаш анъанаси антик даврда тўла сақланиб қолган. Илоҳларнинг ушбу тасвирий илдизлари яъни, юз кўриниши, либос-кийимлари, соч, қўл ҳолати ва ҳоказо белгилари қадимий Осиёга хос майда пластикага бориб боғланади[10].

*Қорақалпоқ ҳудудининг географик тузилиши ва иқлим шароити.*Қорақалпоғистон энг йирик кўли – Орол денгизи, шунингдек, Хўжакўл – Қоражар кўллар системаси билан боғланган. Сўнги 40 йил ичида Амударё ва Сирдарё ҳавзаларида суғориладиган ерларнинг кенгайиши натижасида Орол денгизи сув сатҳи 2005 йил бошига 23 м пасайди. Қорақалпоғистоннинг барча сув ҳавзаларидан балиқ овланади, уларда балиқ хўжаликлари ташкил этилган. (Иловада*8-расм*).

Иқлими кескин континентал, ёзи қуруқ ва қиши нисбатан совуқ, қор кам ёғади. Январ ойининг ўртача температураси жанубда – $49^0$, шимолида $7,6^0$,июлда жанубда $28,2^0$, шимолда $26^0$.Йиллик ёғин 110мм, асосан, қиш ва баҳор ойларида ёғади. Вегетация даври 194-214 кун . Энг йирик дарёси – Амударё ҳавзаси қадим суғориладиган ҳудуд сифатида маълум. Дарё сувидан суғоришда фойдаланилади[11].

Қорақалпоғистон ҳудудида иқлим шароити жуда ўзгарувчан ҳисобланади. Қиш қаҳратон совуғи билан, ёз чилласи эса жуда иссиқ бўлганлиги ва ҳудуднинг кўп қисмини чўл ташкил этганлиги сабабли шамол, қум зарралари ҳудуд бўйлаб рақсинкор ҳаракати билан қорақалпоқ халқини сийламасдан қўймайди. Шундай иқлим шароитида қорақалпоқ халқидан қиш совуғида қалин икки, уч ва ундан кўп қават кийим кийишни талаб қилса, ёз чилласида иссиқдан сақланиш, офтоб нурларидан ҳимояланишни тақозо етади.

## 1.2. Қорақалпоғистон миллий маданияти (урф- одатлари, маросимлари, кийимлари ва кийиниш маданинияти)

Қорақалпоқ халқ амалий санъатининг муҳим сифатларидан бири- замонавий ички безаклардан кенг фойдаланиши ва айни пайтда ташқи безак тури билан узвийликда эканидир. Бу қорақалпоқ амалий санъатнинг барча турларига,хусусан гиламдўзликка кўпроқ тааллуқлидир. Гиламдўз аёллар бетакрор санъати билан замонавий рассомларни ҳайратда қолдириб, гўзал бадиий ечимлар топишган.Анъанавий гулдор компоциясидан фойдаланган гилам тўқувчилар мазкур гилам учун бевосита дахлдор ранг ва унинг турларини доимий тарзда уйғунлаштириб келадилар. Шунданми, гиламда рангтасвир эчими юзага келади, бу эса уни манзарага янада яқинлаштириб қўйади. Ўтов, гилам кашта ва умуман, улар билан боғлиқ урф-удумлар қорақалпоқларнинг аждодларидан мерос қадим қадрятларидан саналади*(1-расм*). Халқ амалий санъати намуналари – гиламдўзлик, гулдор тўқимачилик, каштачилик, қуроқчилик, тери ошлаш ва унга кашта тикиш, заргарлик ва темирчилик буюмлари,ёғоч ўймакорлиги, қўл бола мато тўқиш қорақалпоқ элининг ўзига хос этник хусусиятларини ҳам ифодалайди.Бугунги кунда қорақалпоқ халқ амалий санъати миллий либос, кийим-кечаклар тўқиш мисолида ҳам ўсиш ва ривожланишда давом этмоқда.Қорақалпоқ миллий либослари учун асосан тўқ ранглар танланади.Тўқувчилар кўпинча жигарранг-қизил ва жигарранг-пушти ранглардан иборат нафис, босиқ, шу билан бирга тўйинган ранглар йиғиндисидан кенг фойдаланишади[12].

Бунда қизил, кўк, мовий, яшил каби иссиқ-совуқ ранглар бир-бирига мос равишда танланиб, унинг умумий безак бичимига кўра ўзаро уйғун ҳолга келтирилади.Одатда , ўтовнинг ички безак ишлари хотин-қизлар томонидан амалга оширилади.Ўтов жиҳозларида бўртма ва ясси гулдор тўқимачилик намуналарига кенг ўрин берилган.

 

*1-расм.* Ўтов кўриниши.Қорақалпоқларнинг кора уйи хам деб номланган.

Чунки уларда қорақалпоқ қиз-жувонларнинг бетакрор ҳунари, тўқимачилик намуналари , миллий нақшлар ўз аксини топади.Гулли мато буюмларда ип-газлама асосий ўринни эгаллаган бўлиб, бўртма гуллар жун ипда тикилган.Ясси газламалар учун эса ипак, жун ва ғалтак иплардан фойдаланилган.Чоғроқ гулли газмол тўқувчидан ниҳоятда синчиков бўлишни талаб қилади.Каштачилик элементлари билан асосан қиз болалар, келинлар ва кекса аёллар либосини безатишда қўлланилади. Кийимнинг мана шу уч турига алоҳида эътибор берилган.Чунки уларга қараб, либос эгасининг ёшини аниқлаш осон бўлган. Уларнинг ҳар бири ўз ранг ечимига эга бўлиб, безаклар анъанавий таркибни ташкил этади. Кўйлакнинг тўқ кўк ранги, оқ ё сариқ хол-холи бор енгилгина қизғиш пушти тус берилган майда кавакли чопон, қизил-қора сурпдан тикилган каштали “енгил”, зардўзи “гумис тахия” ва “тўбалик” , кумуш безаклар- буларнинг бари қиз бола тимсолини вужудга келтирган.

Мазкур мовий кўйлак ва қизил чопон келинлик либоси ҳам саналади. “Киймешек” ҳамда “ саукеле” номли бош кийимлари, “қизил жипек жегде” номли ёпинчиқ ва заргарлик безакларининг анъанавий тўплами эса уни янада тўлдирган.Ранг ечимлари либосларига алоҳида жило бахш этади. Бунда “киймешек”даги қизил ва қора сурп билан чопон ва “жигде”даги қизғиш-пушти ранг берилган шойи бирикиб, “саукеле” даги олтин,кумуш,феруза,

маржон ва нуқралар тўқ кўк  рангдаги каштали кўйлак билан уйғунлашиб, кашта ва тақинчоқларнинг ажойиб мажмуасини пайдо қилган. Катта ёшдаги аёл кийимлари очиқ рангда бўлган, асосан оқ ипак газламадан тикилган: оқ кўйлак,”оқ киймешек”, “оқ жегде” ва ҳоказо. Уларга хос ва мос кўринишдаги қизғиш-пушти гуллар туширилган.

Ўрта Осиёнинг кўплаб халқлари учун қабул қилинган шаклларга амал қилган ҳолда қорақалпоқ заргарлик буюмларида ҳам ўзига хос ечимлари ўйлаб топилган.Улар буюмлар шаклидаги ҳар қандай тўғри чизиқдан вос кечган маънодорликка интилиб, кескин бурчакларсиз айланма, тугунли бўртиқ шаклларга алоҳида аҳамият қаратганлар.Заргарлик буюмлари учун асосан нуқрали кумушлардан фойдаланган. Гулни бўртириш учун бир оз тилла суви югуртирилган.Гоҳо чеккаларини айлантириб чиқиш учун ферузадан, шокиласига қизил маржондан фойдаланилган.

Қизларнинг бош кийими “гумис тахия” ва “тўбалик”, никоҳда кийиладиган бош кийим “саукеле” нинг ҳаммаси зарҳал билан безатилган. “Гумис тахия” ва “тўбалик” ўйма нақш билан қопланган шаклдор варақчалардан иборат бўлади, яшил феруза ва қизил маржонли йўл билан бўрттириб айлантирилади. “Саукеле” да қизил маржон кўпроқ бўлади ва қўчқор боши кўринишдаги шаклдор варақчалар баланд йўлли занжирлар билан биргаликда маъно жиҳатдан ноёб безак санъати ва ўзига хос бош кийимни вужудга келтиради. “Тўбалик” ва “гумис тахия” ҳам шундай, уларнинг чўққилари бир оз олдинга эгилган бўлади.Қорақалпоқ қуроқлари кўпинча“шанша”да ишлатилади[13].

*Қорақалпоқ амалий санъати.*Қорақалпоқ халқининг кўп асрлик тарихида халқ амалий безак санъати турлари бой ва ранг баранг маданий меросимизнинг энг ажойиб ва оммавий қисмини ташкил этади. Қорақалпоқ диёрида вужудга келиб гуллаб яшнаган санъат турлари бемисил ва бетакрорлиги билан дунёга машҳур.Бундай тараққиёт босқичлари ҳақида

фикр юритадиган бўлсак, ўзбек амалий санъати турларининг шоҳ илдизлари инсониятнинг болалиги, яъни ибтидоий жамиятга бориб тақалишининг гувоҳи бўламиз[14].Ҳозирги вақтда қорақалпоқ халқининг тарихи билан маданиятини тадқиқот қилиш Хоразм вилоятида ёки  ҳозирги кунда Қорақалпоғистон худудларига тегишлидир. Халқнинг санъати йилларнинг ўтиши билан ўзининг бадиий маъносиини йўқотади. Агар кийимларнинг айрим турлари заргарлик безашларнинг шакллари ёки уйнинг буюм нарсалари сақланган бўлса ҳам, уларнинг ўзидаги безашларини , яъни безашлар, бажарилиш техникаси ўзига хослиги, тузилиши ҳозирги замонавий ҳаётимизда ўзининг кенг қўлланишларини топиш мумкин. Шу билан бирга уларнинг айрим томонлари ва мотивлари туркман, қозоқ, қирғиз,ўзбек ва айрим бошқа халқларнингсанъатига яқин. Қорақалпоқларнинг жуда қадимги,ескирган безашлари нақш солинса, кашталарида (илма, эгри чизиқлар,бўғирсоқ нақшлар)сақланган қора уй дастгоҳларини ташкил топадиган буюмларда, кашта тикишда ва ёғочга нақш ўйишларда фойдаланган.Безашнинг кейинги элементларига егрилик, егри тасвири,босқичли тишлар ва диогонал ва титқоши бўйича кесиладиган илма нақшлар уч бурчаклар, квадратлар тегишли. Қўчқор бурчининг тасвири қорақалпоқларнинг ёғочга нақш ўйиш мотивининг асосийси бўлмаган билан енг характерлиси бўлиб ҳисобланади.Асосий фигура бурчи одатда бир тўғри болдоқдан чиқадиган ёки спирални ўз ичига олади.қорақалпоқ халқининг санъатида бурч жуда аҳамиятли ролни бажаради.Уни безаш фигураси сифатида тушунтиришнинг кенг турда олиб бориш керак.

Қорақалпоқ безагида такрорланиш айрим вақтларда учрашади, бироқ улар томошабинларни зериктирмайди. Уларнинг ҳаётга таъсир етиш сирлари ҳақида ўйлашга имконият беради.

*Қорақалпоқ Анъанавий Мусиқа маданияти.*Ўтмишда ярим кўчманчи бўлиб яшаган Ўрта Осиё халқларидан бири қорақалпоклар бўлиб, улар жуда

бой мусиқа маданиятига эгадирлар.Уларнинг мусиқа маданияти шаклланишига тарихий шарт-шароит, маданий ва хўжалик фаолияти, шунингдек, жуғрофий ва диний омиллар катта таъсир кўрсатган[15].

Хоразм воҳаси, қолаверса, бутун Ўрта Осиё, Ўрта Шарқ минтақаси халклари сингари қорақалпоқ анъанавий мусиқа маданияти ҳам бой афсонавий ва эпик анъаналар асосида шаклланган. Унинг қадимий қатламларида умумтурк, жумладан, шаманлик билан алоқадор белгилари кузатилади ва бу миллий бадиий амалиётни қайта англашда кўзга ташланади [16].

Тарихий ривожланишнинг маълум бир босқичида, аниқроғи, XVI асрдан бошлаб, қорақалпоклар бадиий дунёқарашида ислом ва мусулмон маданияти таъсири кучли сезила бошлайди. Бироқ қорақалпоқ мусиқа маданиятига исломнинг таъсири ўзбек ва тожиклар маданиятидаги сингари мавқе ўрин эгалламаган. Оғзаки қўшиқ ва эпик анъаналар қорақалпоқ мусиқа маданиятида муҳим аҳамиятга эгадир (Иловада 9-расм). Бу ҳакда XIX асрларда қозоқ олими Чўқон Валихонов достон шаклида шундан ёзган эди: "Қўшиқ олам бўйлаб саёҳатга чиқибди ва у бир куни қорақалпоклар сарзаминида, Сирдарёсининг нариги томонида тунаб қолибди. Кўзга кўринмас афсонавий бу меҳмоннинг келганлиги ҳақидаги хабар яшин тезлигида тўрт тарафга ёйилибди. Кўплаб қорақалпоклар қўшиқ тўхтаган бахтли овулга тўпланибдилар ҳамда ҳайратомуз меҳмонни шомдан тонгтача, қўшиқни чарчаб ухлашга ётгунига қадар тинглашибди"[17].

## II боб.Тажриба-синов қисми

## 2.1.Қорақалпоқ анъанавий миллий либосларининг музейлар бўйича таҳлили

Қорақалпоқ миллий либослар бичимларини музейлардаги экспонатларидан ўрганиб чиққан ҳолда ўзига хос бичимлари тизимлаштирилди ва тикиш технологияси ишлаб чиқилди.Қорақалпоқ эркаклар миллий либослари ташқи кўриниш жиҳатидан қўшни туркман ва Хоразм халқи кийимларидан фарқи оз бўлган. Шундай хулоса чиқарганимиз билан лекин, қорақалпоқ кийимлари ансамбили кийиниш маданиятида, ранглари ва бир қанча ўзгаришлари билан ажралиб турган. Масалан бош кийими чўгирма ташқи ҳажми жиҳатидан қорақалпоқларники кичикроқ бўлган (*2-расм*). Эркаклар либослари ялтироқсиз бир текис рангда ва айрим тикилиш усуллари билан ажралиб турган. Эркаклар костюми ансамбилига ички кўйнак(яхтак), чопон, камзол, дўппи, чўгирма, иштонлардан иборат бўлган. Оёқ кийимлари этик, махси ва ковушлар бўлган [18].



*2-расм*.Қадимда Қорақалпоқ Эркаклар анаънавий миллий либослари.

*Ички кўйлаклари.*Эркаклар кўйлаклари оқ пахта газламасидан тайёрланган, тиззадан юқори узунликда қилиб тикилган. Одатда мато иккига яхлит тахланиб,узунлик газламага жойлаштирилиб, газлама ўртасига горизонталига ёқа қайиқ шаклида ўйилган. Бош беъмалол кириш учун бўйин

қисмида кесик мавжуд бўлиб тугма ва илмоқчалар тикилган. Кўйлак икки ён томон пастки қисмида кесиклар жойлаштирилган (*3-расм*).

Ёқа ва кесик қисмлар четига ингичка жияклар билан ишлов берилган.Кўйлак устидан камзол-*бешпент* кийилган. *Бешпент*нинг икки тури бўлган: енгсиз ва енгли. Бешпентлар пахтадан, жундан тўқилган қора рангли газламадан тикилган бўлиб, ички қисмига астар тикилган. Енгли бешпентларнинг енглари узун бўлиб қўл учига қараб торайиб кетган. Бешпентларнинг олди очиқ  олд қисми ўнгдан чапга томон ёпилган бир томонга илгак илдириш учун кесик қолдирилган. Бел қисми ички томонига ички халталар тикилган.



*3-расм.*Эркаклар кўйлаги ва баҳорги-кузги чопони.

Қора кимхоб матодан тикилган бундай камзолларни қорақалпоқ ёш йигитлари учун байрам костюми ҳисобланган. Бешпентлар билан бирга уйдан кўчага чиққанда кийиладиган кийим чопон (шапан) бўлган. Қорақалпоқ чопонлари :енги кенг, тўғри ва калта (бормоқлари учлари ёпилмайдиган) бўлган. Чопон енгининг қўлтиқ пастки қисмига учбурчакли қийиқча (ушкил) тикилган. Қорақалпоқ чопонлари перпендикулярига майда қавиқлар билан бўртирилиб қавилган.Чопон четлари ингичка жияк билан тикилган.

Қорақалпоқ либосларида кашта орнаментлари кам бўлган. Асосан кашта орнаментлари қорақалпоқ аёлларининг либосларига хос бўлган. Байрам кунларида қорақалпоқ эркаклари усти махсус ялтироқланган чопонларни кийишган. Чопон тикиш учун пахта ва ипак газламаларидан фойдаланилган. Чопонларнинг икки тури бўлган: сырылған (қавилган) ва сырылмаған (қавилмаган). Бундан ташқари,ёш йигитлар очиқ ёрқин рангдаги қизил, яшил, тўқ қизил рангдаги йўл-йўлли газламаларидан тикилган. Одатда чопонларда халталар ва тугмалар бўлмаган (Иловада 10-расм).

Кўйлаклар ва чопонлар деталларсиз тўғри бичилган. Бундай бичим инсон ўлчамларининг пропорциялари билан тўғри келиб, бу ўз навбатида бундай бичим иссиқ кунларда салқинликни берган, совуқ кунларда иссиқ муҳитни сақлаган. Эркаклар либосларининг қишки кийимларидан бири – *тон* (постын) бўлган. Уни қавилган пахта чопон устидан кийишган. Тўнни қўйини терисининг қалин жуни тўн ичига иссиқ тутиш учун тикилган.Терининг ташқи текис томони сабзи рангга бўялиб, чопон четки қисмлари қизил йўл-йўл мато билан жиякни ҳажмидан катталикда қилиб ишлов бериб чиқилган. Чопон олд қисми чап томондан ўнг томонга ёпилиб кийилган.

Орқа томон юқори елка қисмига махсус жияклар билан безатилган, учбурчак шаклдаги *тумарша (жаўрынша)* тикилган. Жун газламадан тикилган, *шекпен* эркакларниниг салқин кунларида кийилган устки чопон ҳисобланади. Айрим жойларда шекпенни пўстин устидан ҳам кийишган. Қишки устки кийимлар қаторига яна, ичидан жун ва пахта солиб қавилган, узунлиги тиззагача келган *гупи* кийишган[19].

*Эркаклар бел кийимлари.*Эркакларнинг *ыштанлары* (шалбар) одатда кенг қилиб тикилган. Ёки икки детал ўртасига (тўртта детал бириктирилиб тикилган) ромб шаклдаги *аў* қўшилиб тикилган. Аў қўйилишига сабаб эркакларнинг ҳаракатларига қулай бўлган. Иштон узунлиги тўпиқдан сал юқори бўлиб, жияклар тикилган. Қаттиқ совуқ кунларида кийиладиган, қалин

пахта, жун газламадан астар қўйилган шалвар *сым* деб аталган.Чопон ва тўннинг белидан камар (қайыс), белбеў ёки рўмол билан боғланган. Ипак газламадан тўқилган белбоғлар *медели* ёки *турме* деб аталган. Бундан ташқари, қорамол терисидан ишланган, гейде бўздан астар қўйилган энли *"қамары белбеў"* ҳам бўлган. Уларнинг тақилмаси темир, накш қилиб ишланган металлардан иборат бўлган. Йигитлар ингичка, нозик қилиб ишланган, темир тақинчоқлар билан безатилган *қайыс*лардан фойдаланганлар. Камарларга тақилган ажралмас қисми қынап (пышақ ушын), шақша (нос солинадиган) чой халта, тамаки халталар хам илиб юришган (Иловада *11-расм.*).

*Эркаклар Бош кийимлари.*Эркакларнинг бош кийимлари тақия *тақыя дегелей, шогирме-қураш (чогирма) бориктен*дан иборат бўлган. Тақия-юмшоқ пахта материалидан тикилган. Арнаўли ускунасида тикилган бош кийимни тоқима тақия деб аташган. Нақш билан кашталанган бош кийимларни қазба тақия дейилган. Тақияларнинг формаси гумбаз шаклда тепаси тўрт бўлакдан иборат бўлиб, одатда қавилиб тикилган.Эркакларнинг энг кўп тарқалган бош кийими шогирме (чўгирма), ёки қураш деб аталган. Чўгирма ёш қўзи терисидан тайёрланиб, жунининг узунлиги 8-10 см бўлган, жун қисми ташқи тарафига қаратилиб тикилган. Қоракалпоқлар қора, жигарранг рангдаги чогирмаларни кийишган. Чогирмани Хоразмликлар, туркманлар ҳам кийишган. Уларнинг чогирмаси қорақалпоқ чогирмаларидан ташқи кўриниши билан фарқланиб турган. Қорақалпоқ чогирмаси шакли жиҳатдан хоразм чогирмасидан кичикроқ бўлган, кенг томони юқорига қаратилиб кесилган конус формасида бўлган. Қиш кунларида чогирмани кун давомида кийишган, ҳаттоки уйнинг ичида ҳам кийиб ўтиришган. Ёзнинг жазирама кунларида чогирманинг ўрнига, дала ишларида ишлаганда, бошни қуёшдан сақлаш учун оқ рўмолни салла кўринишда бошига ўраб юришган. Борик ва қундуз терисидан тикилган. XX аср ўрталарига келиб эркаклар қуйидаги бош

кийимларни кия бошлади: малахай, шляпа,шапка, папах, ва бошқалар (Иловада *12-расм*).

*Эркаклар Оёқ кийимлари.*XIX аср охири XX аср бошларида эркакларнинг оёқ кийимларидан деярли ўзгаришлар сезилмайди. Доимги оёқ кийимлар – меси (махси) билан геўиш (ковуш) бўлган. Ёзнинг иссиқ кунларида яланг оёққа геўиш кийишган. Куз мавсумида кичкина пошнаси бор етик кийишган.XX асрнинг 20-йилларига келиб фабрикада ишлаб чиқарилган оёқ кийимлар халқ орасида кенг тарқалган. Оқ теридан учи қайрилиб тикилган етик-ақпушта, бейкем етик қадимги оёқ кийимлардан ҳисобланган [20].



*4-расм.*Эркаклар оёқ кийимлари: ковуш ва етик.

*Қорақалпоқ Аёллар анъанавий миллий либосларининг музейлар бўйича тахлили.*Қорақалпоқ аёллар либослари эркаклар либослари билан солиштирганда ранг-баранглиги, нақшларининг кўплиги билан, аксессуарларининг гўзаллиги билан ажралиб туради. Аёллар либослари уларнинг латофатини, гўзалигини, кўрсатиб, унинг ички дунёсини характерини, касбини, ўй-қарашларини ифодалайди. Қорақалпоқ аёллар либослари узун, кенг ва тўғри бичимда тикилган кўйлаклардан ыштан (бел кийим) енгсиз камзол, чопон (шапан), жегде, бош кийим ва оёқ кийимлардан иборат. Кундалик аёл-қизларнинг либослари кенг ва узун кўйлакдан, тўпиққача тушувчи узунликда, кенг қилиниб бичилган иштонлардан иборат.

Кўйлаклар одатда узунлиги тўпиққача тушувчи, енглари кенг бармоқ учидан 15-20 см узунликда тикилган. Кўйлакни тикиш учун яхлит матодан фойдаланиб, у иккига букланган, елка қисмида чок бўлмаган. Кўйлакнинг енг пастига ён қисми уланадиган жойга бошқа матодан қийиқча- ушкул (хиштак) қўйилган. Бу мато бўлакчасининг қўйилишига сабаб қўлнинг эркин ҳаракатланишига ёрдам берган. Ёш қизларнинг ёқа ўйиндиси горизонталига , турмушга чиққан аёллар ёқа ўйиндиси вертикалига ўйилган(болани эмгизишга қулай бўлиши учун)[21].

Кўк кўйлак – келинчакнинг тўй кўйлиги. Уй шароитида тўқилган кўк рангдаги пахта матосидан тикилган бўлиб, деним (женси) матосини эслатади. Кўк кўйлакнинг олд тарафи крест услубида кашталанган нақшлар билан қопланган.Кўйлак бичими кенг, қўллари узун, енглари жиякланган. Ён томонларида узунасига кесмалари бор. Кўйлакнинг марказий қисмида “Умр дарахти” деб номланган ўсимликсимон нақшлар (бошқача номланиши саўыт нағыс ёки совут нақш). Айрим маълумотларга кўра бу аёл саркардарлик кийим билан боғлиқ (5-расм). Марказий қисмидан дарахт шоҳларини эслатувчи чизиқлар ўтади, уларнинг ораларида муғузсимон нақшлар тикилган. Кўйлак ёқаси алоҳида тайёрланган, ингичка кўринишда , матоси ушыға (сукно) ёки жун , нақшлар занжирли  чок услубида амалга оширилган.Кўк кўйлак хам кызыл киймешек сингари узоқ вақт кашталанган ва уни тўй куни кийдиришган. Кўк кўйлак қорақалпоқ чеварларининг дурдона асарларидан бири ҳисобланади.Бундай байрам кўйлакларининг енг учига кўйлак материалидан *женуш* кийилган. Кўйлак енглари кашталар билан безатилган. Одатта 1-2 қариш (1-2см) кенгликда қийилган мато бўлакчалари устидан кашта нақшлари тикилган. Шундай қилиб енг устидан кийилиб енли манжет кўринишда бўлган[22].



*5-расм.*Қорақалпоқ аёлларининг Кўк кўйлаги – келинчакнинг тўй кўйлаги.

Аёлларнинг иштонлари эркаклар иштонлари билан бир хил бичимда бичилган,аммо иштон пастки этак қисмига ингичка жияк қўйилган. Иштонлар юқори томонга қараб ингичкалашиб борган ва икки қисм ўртасига мато бўлаги *аў* тикилган.Белини пахта ёки жун толалардан йигирилган ип билан боғлашган.Аёллар иштонлари бир хил тондаги матолардан, йўл-йўл матолардан тикилган бўлиб, газламалардан читдан,қўлда тўқилган матолардан фойдаланганлар. Иштонларнинг етак қисмига жияк қўйилган ёҳуд ингичка қилиб накш тикилган[23].

*Аёллар устки кийимлари.*Кўйлакнинг устидан *бешпент* (камзол) кийилган. Камзолларнинг икки хил тури бўлган: енгли ва енгсиз (йил мавсумига қараб).Совуқ кунларда енгсиз камзолнинг устидан қалин, енги узун камзол ёки қавилган *гупи* кийишган. Бундай камзоллар палто вазифасини ўтаган. Камзолларни тикиш учун фабрикада пахта толасидан тўқилган қора рангли қалин газламалардан фойдаланилган. Байрам камзоллари ҳар хил рангли мақбал (бархит)лардан тикилиб, турли безак нақшлар билан безатилган.Қорақалпоқ аёллари қора,тўқ кўк,тўқ қизил рангли мақбалли(бархитли) камзолларни кийишни ёқтиришган. Камзолларнинг учига қалин ипак толадан тўқилган, *“пашшайы”* деб номланган мато ҳам

ишлатилган.Пашшайи матосидан одатда, камзолларнинг ичидан кийиладиган кўйлак-иштонлар тикишда ишлатилган.камзолнинг бел қисми торайтирилиб тикилган,енгсиз,баковой қисми бўлаклардан иборат бўлган. Агар камзол енгли бўлса, енглари ингичка қўлдан узун бўлмаган. Камзолларнинг ёқаси,илгаклари, тугмалари бўлмаган.Фақатгина белининг бир қисмига илгак тақилган(Иловада*13-расм*). Кўчага чиққанда аёллар камзолларининг белига сочиқли ипак рўмол билан боғлашган, бу камзолнинг безатиш элементларидан бири ҳисобланган [24].

Байрам камзолларининг устидан ҳам кўйлакдаги женуш кийилиб, у *женсе* деб аталган.Женсенинг узунлиги одатда тирсак тепасидан бошланиб, камзол енгининг учигача бўлган. Женсе трапециясимон силуетли бўлиб,астар тикилган,рангли нақш кашталари билан тикилган важиякланган.Жияк тикилган қисми бириктирилиб тикилган бўлиб,камзолга ҳам бекитувчи чок билан тикилиб қўйилган. Женсе қизил ёки қора матога қўлдан кашта нақшлари билан безак берилган.Ҳавонинг совуқ кунларида аёл-қизлар қавилган *шапан* кийиб,белини белбоғ билан боғлаган[25].

Аёлларнинг чопони эркаклар чопони билан солиштирганда ёқа бичими билан ажралиб туради. Қорақалпоқ халқининг миллий кийимлари инсоннинг ўзини англаши, миллий онгининг шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Қоракалпоқ аёллари ўз миллий кийимларига катта қизиқиш билдириб, уларни сақлаб қолиш ва ривожлантиришга эришиш учун харакатлар қилиб келган. (Иловада *14-расм*).

Қызыл жипек жегде- бошга ёпадиган ёпинчиқ бўлиб, қорақалпоқ аёллари ҳеч қачон паранжа тақишмаган, юзлари очиқ бўлган, аммо бошларига жегде ташлаб юришган. Унинг ўзига хос хусусияти алдамчи енг қисми бўлиб, улар узун ва орқа тарафда махсус боғлар билан боғлаб қўйилади. Кўкрак ва этак қисмларида узунасига кесмалар бўлиб, қўлдан қилинган тасмалар билан жиякланган. Қызыл жипек жегденинг ёқаси ушыға

(сукно) ёки жун матодан бўлиб, одатда каштачилик ва ипак боғлар билан безалган. Қызыл жипек жегденинг ёқаси, этаги ва қўллари ипак иплардан қўлда тўқилган тасма билан жиякланган. Қызыл жипек жегденинг турмушга чиққан ёш аёллар ўрта ёшларгача таққан[26].



*6-расм.*Қорақалпоғистон Аёллар Устки ёпинчиқ – “Қызыл Жыпек Жегде”.

Аёллар Ақ жегде- ёши улуғ аёлнинг ёпинчиқ чопони. Унинг ўзига хослиги алдамчи енглари бўлиб, улар жуда узун ва орқа тарафда махсус боғлар билан боғланади (худди қызыл жипек сингари). Ак жегденинг ёкаси алохида тайёрланиб олинган. Ақ жегденинг орқа ва олд томонлари крест услубида кашталанган нақшлар билан безалган. Ёқасидан етагигача кашталанган ақ жегдени ўрта ёшлардаги аёллар, бел қисмигача кашталанган жегденинг ёши улуғроқ аёллар кийишган, агар фақат ёқаси кашталанган бўлса, бу ёши анча улуғ аёл (80-90 ёш) ҳисобланган (Иловада *15-расм*)[27].

*Аёллар бош кийимлари.*“Қызыл киймешек” – ёш аёлнинг кийими бўлиб, олд томони (киймешек алды) учбурчак шаклидаги қызыл ушыға (сукно) матодан тикилган бўлиб, тўртбурчак юзи очиқ туради, орқа қисми

“қуйрықша” деб аталиб, бухоро ипагидан (“пашшайы”) тикилган ёпинчиқ , қуйи қисмида кашталанган “ушыға” матоси тикилган ва боғлар билан безалган. Киймешекнинг олд томонидаги каштачилик муайян қоидаларга кўра жойлашади, безаклари ўзига хос бўлади [28].

Марказий қисмида энига жойлашган тасмадаги кашта “қара ушыға”да қилинади ва “ орта қара” (ўрта қора) деб аталади, икки томонидаги тасмалар эса “шеттеги қара”(четки қара) деб аталади.Қызыл киймешек – тўй кийими ҳисобланиб, уни қизлар ота уйида 6-8 йил давомида тўй кунигача тикишган, уни келинга куёвнинг қишлоғида кириб келишда кийдиришган ва бу унинг ҳаётидаги кескин ўзгаришнинг нишони бўлган: “Куёвнинг қаруйига киришдан олдин келин киймешек кияди –шу вақтдан эътиборан у аёл ҳисобланади”. Қызыл киймешекнинг ҳар бир қисми алоҳида тайёрланади: трапеция шаклидаги олд томони, орқа томонидаги квадратшаклидаги пашшайы (ипак), энсиз, учбурчакли қуйи қисми занчирли чок билан кашталанган[29].

Ақ киймешек- ёши улуғ аёлнинг кийими бўлиб, олд томони уй шароитида тайёрланган, бўз матосидан учбурчак шаклида, юз учун очиқ жой қолдирилиб тикилган, орқа томони – қуйрықшасы (дум қисми) – пахта матосидан тикилган ёпинчиқ. Ақ киймешекнинг олд томонидаги каштаси қызыл киймешек сингари муайян қоидага кўра жойлашади, безаги ўзига хос бўлади. Ақ киймешекни кийиш ҳам удум бўлиб, кампирлар уни оҳирги кунларигача сақлаб қўйган, кейин васиятга кўра мерос қилиб қолдирган. Ақ киймешекнинг ҳар бир қисми алоҳида тайёрланади: трапеция шаклидаги олд қисми, крест усулида кашталанади. Чекка қисмлари қизил ипак иплар билан қўлда қилинган тасма ёрдамида жиякланади[30].

Саукеле – қадимда қорақалпоқ аёлларининг тўй бош кийими бўлиб, қимматбаҳо металлар, тошлар, асосан маржонлар ва мунчоқлар билан безалган. Саукеле қорақалпоқ халқи миллий анъаналари - заргарлик ва

каштачиликнинг энг юқори намуналарини ўзида мужассам этади. Ҳақиқий шоҳона бош кийим қорақалпоқ келинчагининг бошини безаб турган. Йирик пушти маржонлар, алвон қизғалдоқлар билан кашталанган тилларанг пластина, чекка қисмида садаф мунчоқлар билан безалган бош кийимда келинчак бамисоли қўл етмас Хумо қуши сингари намоён бўлган(Иловада *16-расм*). Бош кийимнинг юқори қисми “тумак” деб аталиб, унда қора рангдаги икки мато бўлаги крест шаклида тикилган; пешона қисмида заргарлик иши ҳисобланган оғир металлдан қилинган безак қўйилган[31].

Бу буюм “жыға” деб номланиб,у ўйма нақшлар, тош ва мунчоқлар билан безатилган. Саукеленинг икки чакка томонидаги бундай металл безак буюмлари “қыран” деб аталади. Саукелега орқа тарафдан узун мато бўлаги қўшиб тикилган бўлиб, у пастда уч, баъзан эса тўртта бўлакка бўлиниб кетади.Саукеленинг умумий шакли – пешона ва чекка қисмларидаги металл безаклари билан аскарлар бош кийимини эслатади. Бу бош кийим қорақалпоқ заргарларининг нодир асари ҳисобланади.“Тобелик”- доирасимон металлдан ясалган бош кийим бўлиб, катталиги жиҳатидан заргарлик санъатининг салмоқли асари ҳисобланади. У металлга ўйиб ишланган нақш билан бой тарзда безалган ва кўп сонли рангли тошлар қадалган металл безакларига эга (Иловада *17-расм*). Бу металлдан қилинган бош кийим “тумақнинг” устидан кийилган бўлиб, саукеленинг бир бўлагини ташкил қилган бўлиши мумкин. Оғзаки маълумотларга кўра, тобелик баъзан “тумис тақыя” (кумуш дўппи) ёки “силсинели тақыя” (баргсимон занжирли дўппи).Бу қорақалпоқ заргарларининг камёб асари ҳисобланади[32].

*Аёллар Оёқ кийимлари.*Аёллар оёқ кийимлари эркаклар оёқ кийимларидан деярли фарқи бўлмаган. Аёллар ёзда яланг оёққа юмшоқ чармдан тайёрланган геўиш (ковуш), қишда меси (махси) ёки етикнинг устидан геўиш кийишган. Аёлларнинг яна бир оёқ кийими темир симлар билан безатилган зерли геўиш кийишган. Шахар аҳолиси пошнали оёқ

кийимлар ҳам кийишган. XIX аср оҳири XX бошларида келиб аёллар этиклари қизил теридан тикилган, олди ва орқаси кашталанган ёҳуд яшил терига нақшлар ёпиштирилган оёқ кийимлар кийишган. Энг қадимги оёқ кийимларидан учига қараб ингичкалашиб кетган ва юқорига қайрилган етиклар кийишган. XX аср бошларига келиб, қорақалпоқлар фабрикада ишлаб чиқарилган ҳар хил турли оёқ кийимлар кенг тарқалган [33].



*7-расм.*Аёллар оёқ кийимлари.

*Қорақалпоқ Болалар анъанавий миллий либосларининг музейлар бўйича тахлили.*Болаларнинг энг биринчи либоси *ийт кўйлак* ҳисобланади. Ийт кўйлак пахта газламасидан, ёқасиз бўйин айлана кичкина ўйилган, ўнг елка қисмида кесик жойлашган.Етак қисми ва енг учлари қайтарилиб тикилмаган. Бунинг сабаби бўлган яъни; биринчиси-болани баданига қаттиқ ботмаслиги учун ва иккинчиси агар, етак таги қайтарилиб тикилса “Боланинг онаси бошқа бола тўғмайди” деган иримга ишонишган.Болаларнинг либосларини тикиш учун газлама бўлакларини еттита уйдан йиғилган. Биринчи кўйлак бўлаги, боланинг яқин туғишган ака-ука-қариндошларидан кейин узоқ қариндошлардан олинган.Мато эвазига қариндошлар боланинг ота-онасидан совға олишган. Ийт кўйлаги бола туғилгандан бошлаб 40кунгача кийдирилган. Уч ёшга тўлган бола билан қизнинг кийимларида фарқ бўлмаган. Улар: иссиқ бошдан кийдирилган *гуртеше*, бош кийим *топпы*-юмшоқ, қавилган, тепаси ингичка ип билан бойлаб,йиғилган калтача турдаги

бош кийим. Тепаси боғланган жойига майда туморлар тақиб қўйилган(Иловада *18-расм*).

*Гуртеше* пахта ва жун толали газламадан тикилган. Бичими тўғри, елка қисми яхлит, қўлтиқ пастида қийиқча-*ушкил* (хиштак) қўйиб тикилган. Ёқа ўйиндиси юмалоқ,енги бичими тўғри,алоҳида қилиб бичилган ва гуртеге бириктирилиб тикилган. Ёш ўсмирларнинг(12-13ёшдаги) кийимлари эркаклар либосларидан деярли фарқи бўлмаган(Иловада *19-расм*). Болалар қишки кийими қавилган *шапан* (чопон) ёки пахта толали газламадан тайёрланган *гупи*дан иборат бўлган [34].

## 2.2.Қорақалпоқ анъанавий миллий либосларининг умумий кўриниши, кўп қаватлилиги,ишлатиладиган матолари ва безаклари

А.С.Морозованинг маълумотларига қараганда, ХХ асрнинг бошларида қорақалпоқлар кийим тикиш учун қўлдан тўқилган матоларни ва фабрикада тўқилган (четдан келтирилган) пахта, ипак ва жун газламаларидан фойдаланган. Кундалик кийим учун қўлдан тўқилган пахта газламаларидан, байрам учун тикилган кийимлар фабрикада тўқилган газламалардан тикишган.

*Пахта газламалар.* Кийимни тайёрлаш учун фабрикада тайёрланган (четдан келтирилган) пахта газламаларидан, читнинг ҳар хил турлари, сатин, оқ бўз, йўл-йўл мато, устки кийим учун ҳар хил турли, қора рангли қалин газламалардан фойдаланишган. Қорақалпоқлар фабрикада тайёрланган пахта газламалари *“таўар”* (сўзи билан аталган), уларнинг рангларига қараб номлари*: ақ таўар, қара таўар* деб аташган. Бодом нақши туширилган қизғиш чит газлама *айдынлы* деб аталган ва у аёл-қизларнинг енг севимли матоси ҳисобланган. Шу ерликлар тўқиган ва Хивадан келтирилган газлама: бўзлар ва олачалар қўлланилган. Устки кийим қорақалпоқлар еркаклар ва аёллар кийимлари учун тўқ кўк, қирмизи-қизил чизиқлар туширилган,қўлдан тўқилган газламалардан фойдаланишган. Газлама қаттиқ ва ялтираб туриши учун унга яхшилаб ишлов берилган. Халқ орасида қўлдан газлама тўқиш азалдан кенг ривожланган. Ҳар бир қорақалпоқ аёл-қизлари пахтадан ип йигириб, ундан газлама тўқишни билишган, хаттоки пахта ўстирилмаган жойлардаги аёл-қизлар хам пахтадан ип йигириб, газлама тўқишни билишган. Бу касб авлоддан авлодга ўтиб келган. Газламалар ускуналар ёрдамида ҳам тўқилган. Ускуна ёрдамида газлама тўқишни аёллар-қизлар билишмаган, сабаби тўқиш ускунаси куч талаб қилгани учун мато тўқиш эркакларнинг қўлидан келган (Иловада *20-расм*).

*Ипак газламалар.* Қорақалпоқларда ипак тўқиш ривожланмаган. Ипак газламалар қўшни Хива, Бухоро, Самарқанд, Фарғонадан олиб келинган. Ипак газламаларни қўлда тўқиш билан оз бўлсада, қорақалпоғистон жанубий вилоятлардаги халқ шуғулланишган. Бироқ унга қарамасдан, ипакдан тикилган кийимлар қорақалпоқлар орасида кенг тарқалган. Ипак газламаларнинг енг кенг тарқалган тури *пашшайы*, қалин ипак яшил-кўк рангли нақшлар туширилган ёки йўл-йўл чизиқ туширилган шойи газламанинг бир тури. *Турме*-қалин, қизил рангли, нақшсиз бўлган. *Медели*-юмшоқ қизил рангли, четлари энли сариқ ранг билан жиякланган газлама.



*8-расм.* Ипак газламалар-пашшайы;турме,медели,айдынлы,олача.

*Турме* билан *медели* бош ўраш ва бел ўраш учун фойдаланилган бўлса, шойи газламала аёл-қизларнинг кўйлакларини тикиш учун фойдаланилган. Қорақалпоқлар орасида қора кимхоб мато- *мақпал* кенг тарқалган, сабаби қора *мақпал*дан тикилган камзоллар эркакларда хам, аёл-қизларда хам байрам кийимларининг ажрилмас қисми бўлган.

*Жундан тўқилган газламалар.* Туя жунидан қўлда тўқилган, жигар рангли бундай газламалар *шал* деб аталиб, ундан фақатгина эркаклар учун

кўчага киядиган чопонлар тикилган. Бундай газламалар қозоқ ва туркманлардан сотиб олинган. Фабрикада тўқилган жун газламалардан кийим тикиш учун енг кўп фойдаланилган тури- *қара маўыты* (ушиға) ҳисобланган. Қорақалпоқ аёл-қизлар кийимларининг орасида қара *мауыты* билан юқа жун газламалардан ташқари *қызыл маўыты* (ушыға) кўп учрайди. *Қызыл маўыты*дан, масалан, ёш аёл-қизларнинг бош кийимларида, киймешекда, саукелени тикишда фойдаланишган [35].

*Қорақалпоқ миллий либосларидаги ранглар символикаси.*Қорақалпоқ кашта тикиш санъати момолардан қизларга ўтиб келаётган муқаддас касб ҳисобланади. Ҳар бир қиз турмушга чиқишдан (7-8йил) олдин ўз қўллари билан миллий либосларини кашта нақшлари билан безак берган. Қорақалпоқ миллий кийиниш маданиятида ранглар символикаси муҳим аҳамиятга эга. Кашта нақшларида ҳар бир рангнинг ўз маъноси бор. Масалан, қизил ранг кийимда “ёшлик” тимсоли ҳисобланади. Қадимги даврларда қизил рангига мосланиб, умрни, ҳаёт кучини билдирган. Қизил рангдан фақат газламада эмас у кашта нақшларида ҳам фойдаланилган. Чопон айрим четларига кийимнинг айрим бўлакларига кичкина деталларига қизил рангли жияк қўшиб тикилган. Қорақалпоқ кашта тикишда 7 рангдан фойдаланган. Миллий кийимларда аёл-қизларнинг кийимларда қизил ранг урф бўлган. Шунга қарамасдан қорақалпоқ кашталигида ҳар хил усуллар билан кашталанган ёрқин ранг-баранг, ранг уйғунлиги кўзга ташланади.Масалан кўриниши бирдай бўлган нақшлар ҳар хил турдаги усуллар билан бир ритмда кетма-кетликда тикилган. Ҳар бир нақш кетма-кетлик орасига уларни ажралиб туриши учун ингичка жияк тикилган. Шунда жияк нақшларини бир-биридан ажратиб туради. Ранглар алмашинуви кетма-кетликда такрорланади [36].

Масалан: қизил-яшил, қизил-сариқ, қизил-кўк ва ҳоказо. Бунда яшил ранг ўсимлик дунёси тимсоли бўлиб, баҳор фаслини, ўсимлик рангини англатади. Сариқ ранг, бошқа халқлар сингари, қорақалпоқ кашталигида

ёруғлик қуёш, ой, юлдузлар рамзи. Оқ ранг муқаддаслик белгиси, жигар ранг – ер тимсоли,ҳосилдорлик, тўқчилик тимсоли ҳисобланади (Иловада*21-расм*).

*Қорақалпоқмиллий либосларидаги безак нақшларининг таҳлили.*Қорақалпоқ миллий нақшлари - минг йилликлар тили, у қадимги амалий санъат турларининг ичида энг қадимгисидир.Нақшлар қадимги ёши улуғлар каби халқ донолиги, инсоннинг дунёга келган дастлабки кўз-қарашлари, унинг сеҳрлилиги табиат кучларига таьсир кўрсатувчи даслабки қадамлар ҳисобланади. Енг кўп қўлланилган геометрик формалар(крест, тўртбурчак, ромб, айлана) пиктографик нақшлар сингари шартли белгилар, осмон қуёш сифатида тенг олиниб, муқаддас маънога эга бўлиб келган. Қорақалпоқ халқининг XIX-XX аср бошларига тегишли кашталаридаги нақшлар ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, геометрик мотивлардан иборат. Бу нақшлар қорақалпоқ қадим ота-боболари маданиятига тегишли символлар дунёси бўлиб келган[37].

Зооморф мотивлар қадимги замонлардан буён қўлланилиб, ҳайвонот стили (буғи,қашқар,туя,қўй,қарға ва ҳоказолар)шу каби ҳайвонларнинг айрим қисмлари олиниб кашта нақшларида тикилган.Масалан: шохлари,боши,оёқлари стилизация қилиниб кашта нақшларида қўлланилган.Ҳар хил турли нақш мотивлари яратилган, турли кўринишдаги *муйизлер* (қошқар муйиз ва ҳоказо) ғарға тырнақ, ғарға туяк, туйе табан, ғаз мойын, қумырысқа бел ва ҳоказолар. Ромб, квадрат ва крестлар навбатма-навбат маълум сонлар билан такрорланиб келади. Қорақалпоқ нақши ўзида дастлабки асосларини сақлаб қолган қимматли тарихий материал сифатида уни яратган халқнинг этник тарихи ва этногенезисини ўрганишида жуда муҳим манбаа бўла олади. Шу боисдан хам уни “тасвирий фольклор” деб аташади. [38].

Қўғирчоқнинг юзи ҳам оқ, кўк, сариқ, тўқ қизғиш тусли иплардан тўқилган шойи матодан ромб кўринишида ишланган. Қорақалпоғистон,

Қизил киймешекнинг олд тарафи ўртасидаги узун энли жияк нақшларини кўп марта ўлчаб кўриш натижасида мўйтан аёллари кўйлаги олди ўртасидаги каштада эни қуйдагича нақшлар қўлланган, деган хулосага келдик: ўртадаги қора нақш эни 9см гача,жўн нақш эни 10см гача,кауаша ёки йирик гул эни 10см гача.Кауаша ёки йирик гул нақшли жиякнинг эни 10см гача бўлиб, у кўйлакларда бошқа безакларга вараганда кўпроқ қўлланган. И.В.Савицкийнинг маълумотларига қараганда, “кўйлакка ромб кўринишдаги тўрсимон нақшлар тикиш, айниқса, қорақалпоқларнинг мўйтан қабиласига тегишли бўлган, дейишга асос беради.Яна бир қизиқарли жиҳати шундаки, қизил киймешекнинг олд тарафи безаклари тузилиши муайян тартибга асосланиши билан худди “ҳаёт дарахти”га ўхшайди. У вертикалига “учлик”ни ҳаётниг пайдо бўлиши, ривожланиши ва тугалланишини ифодалайди.Киймешекнинг пастки қисмидаги безакларда ер ости дунёси билан боғлиқ жонзотлар қурбақа, илон, чаён, ўргимчаклар тасвирланган бўлсада, лекин унда сув, зооморф, ўсимлик мотивлари ва ердаги ҳаёт билан боғлиқ белги-рамзлар кўпроқ кўрсатилган. Айни мотивлар қизил киймешекнинг олд томони ён тарафларини безашда ҳам қўлланилган [39].

Ҳожсимон шакл осмонга интилиш рамзи саналади.Кўйлакнинг олд тарафи ўртасидаги энли қора жиякдаги шакллар турлича бўлсада,уларнинг барчасидаги нақшлар бешик шаклини ёдга солади. Қорақалпоқ никоҳ маросимидаги (мовий осмон) удуми мовий тусли ҳўкиз-эркак тотеми шунингдек, мовий ва кўк ранг (само ранглари) билан боғлиқ.Мовий ва кўк ранг қорақалпоқларда аёл тотеми ҳам деб қаралган.Бошқа тарафдан эса никоҳ тўйидаги ер ҳайвони эчки билан боғлиқ удум ҳам аёл тотеми билан боғланади. Бу эркак ва аёлининг ибтидодаги бирлашуви самода бўлганига ишорадир, деб ҳулоса чиқариш имконини беради. “Замин осмон” боғлиқлигининг ифодаланиш тарзи ҳам шуни билдиради. Кўйлакнинг олд тарафи ўртасида тикилган энли узун қора жияк нақшлари эса, келиннинг

қайси қабиладан еканлигини билдирувчи ўзига ҳос маълумотнома саналади.Ундаги бешик шаклидаги нақшлар эса дунёга келадиган келгуси авлоднинг рамзи ҳисобланади (Иловада*22-расм*). Қизил киймешекнинг олд тарафи ўртасидаги энли узун жияк нақшларида аёлнинг ижтимоий мавқеини кўрсатадиган белги ҳам акс эттирилган. Қорақалпоқ санъатидаги безаклар маънолари тахлили шундан далолат берадики, қушлар,ҳайвонлар, ўсимликлар тасвири, геометрик шаклларда ифодаланган барча нақшлар ҳимоя воситаси вазифасини бажарган.Уларнинг барчаси юксак даражада тасвирланган бўлиб, нақш предметларинингумумий образини ўзида мужассамлаштиради ҳамда узоқ тарихий жараёнда шаклланган маҳаллий анъаналарини ифода этади. Безак нақшлари кишиларнинг табиат тўғрисидаги тасаввурини акс эттирувчи образлар ва белгилар тизимини ҳамда уларнинг у билан боғлиқ дунёқараши ва ўзига ҳос эстетик дидини намоён этади [40].

*Қорақалпоғистоннинг XIX аср оҳири  XX аср бошларидаги урф-одатлари билан боғлиқ заргарлик буюмларини таҳлил қилиш.*Қорақалпоқ аёлларининг XIX аср оҳири XX аср бошларидаги заргарлик тақинчоқлари шакли, тайёрлаш техникаси, вазифасига кўра хилма-хил ва бойдир. Уларда турли даврлар ва халқларнинг катта бадиий тажрибаси жамланган. Аёллар либоси ва заргарлик буюмлари қорақалпоқларнинг яхлит услубий мажмуасини ва аёлларнинг эстетик-поэтик тимсолини кўрсатади. Бу тақинчоқларда хотин-қизларнинг ижтимоий аҳволи ва ёш бўйича табақаланишига қатъий амал қилинганлиги кўринади. Тақинчоқларнинг қиз боланинг болаликдан балоғат сари кетишида мураккаблашиши, қариётганида тақадиган тақинчоқларининг эса соддалашуви кузатилади. Қорақалпоқлар-нинг урф-одатлари ва анъаналари замирида ҳам заргарлик буюмлар алоҳида ўрин тутади. Хусусан, қизларнинг тақинчоқлари ёмон кўзлардан асровчи туморлари ва мунчоқларнинг кўп бўлиши билан ажралиб туради.Қорақалпоқ қизларининг тўй сарупосида аёллар тақинчоқларига жуда жиддий эътибор

берилади. Бу қатъий урф-одатга айланган. Бунда ёш келинчакни кўз тегишидан асраш хақидаги диний маросимий тасаввур етакчилик қилади. Деярли барча тақинчоқлар ёмон кўздан асровчи вазифани ўтаган. Белга тақиладиган “саукеле” белбоғи ҳам алоҳида эътиборни тортади. Белдан узунасига пастга осилиб туради (товус думига ўхшаб). Унда заргарлик буюмлари ишлатилмайди. Бу киши ортидан узоқ қарашнинг зарари ҳақидаги тасаввур билан боғлик[41].

Маълумки, қадимда кишилар кўп насл берувчи ёки кучли ҳайвонларнинг шохи, тиши, қушларнинг тирноғи, патлари сирли хусусиятга эга деб қарашган(Иловада*23-расм*).

Тақинчокларнинг бутунлай йиғиш-тириб олиниши инсонни бошқа босқичга ўтганлигини, яъни вафот этганлигини англатади. Айнан ўтиш даврларидан кейин қорақалпоқ аёллари айрим турдаги тақинчоқларни тақмайди ёки уларни соддароқлари билан алмаштиради. Маросимларда тақиладиган заргарлик буюмлари сеҳр кучига эга деб келинган. Улар аёлнинг бошқа ҳолатга, бошқа ҳаёт поғонасига ўтганлигини билдирган[42].

Шундай қилиб, қорақалпоқларда халқ байрамлари ва оилавий маросимларда тақиш учун қатъий белгиланган тақинчбўлган. Улар шакли, безаги ва ифодалайдиган маъносига кўра кундалик тақинчоқлардан фарқ қилган. Уларнинг қадимги эстетик жиҳатлари ва бадиийлик даражаси урф-одатлар билан боғлиқ бўлиб қолганлигини қорақалпоқларнинг ташқи дунёдан нисбатан ажралиб яшаганлиги билан изохлаш мумкин. Умуман, қорақалпоқ аёллари заргарлик буюмларида дунёни метафорик тарзда идрок этишга интилиш кузатилади. Бундан ташқари, бу тақинчоқлар аёлларнинг ҳаёт тарзи, ёши ва ижтимоий аҳволини акс эттиради. Тақинчоклар аёллар ҳаётининг турли босқичларини бил-дирадиган асосий рамзий белги вазифасини бажаради[43].

## 2.3.Қорақалпоқ анъанавий миллий либослари бичимларини тизимлаштириш ва тикиш технологияси

Миллийлибослартарихиниўрганишдабирқатортадқиқотлармузейларбўйичаолибборилди. Бухоро ва Самарқандда: “Бухоро Давлат бадиий-меъмориймузей-қўриқхонаси”, “Моҳи-Хоса Амалий санъатмузейи”, Самарқанд Давлат бирлашган тарихий-меъморий ва бадиий музей қўриқхонаси”, Самарқанд вилоят Ўлкашунослик музейи”. Қаршидаги: “Қашқадарё вилоят ўлкашунослик музейи”. Сурхондарё Термиздаги Сурхондарё вилоят Ўлкашунослик музейи. Тошкентдаги: “Ўзбекистон давлат тарихий музейи”, “Ўбекистон амалий санъат музейи”.Фарғонадаги: “Фарғона вилояти Ўлкашунослик музейи”, “Марғилон шаҳар тарихи музейи”, “Наманган вилоят ўлкани ўрганиш музейи” Хива ва Нукусдаги: Хива “Ичан-Қалъа” Давлат музей-қўриқхонаси, “И.В.Савиский номидаги Қорақалпоғистон Рес. Давлат музейи” ва бошқа музейларда ҳам илмий изланишлар олиб борилди. Ўзбекистонвилоятларинингэтнографиклибосллариузоқтарихгаэга. Вилоятларинингўзигахосхусусиятлибошкийимлари – оёққийимлари, либосларбезагларивазаргарликбуюмлариминтақадаяшовчиэтносларумумийхарактеридагисарпомавжудлиги, уларнингтарихийтақдири, маданиятиузоқдаврўзаробир - биригаяқинбўлганлигидандалолатберади. Халқяратганҳунармандчиликтурларинингбундайюксаксанъатдаражасигаэришуви, ўтмишданҳозиргачаузлуксиздавомэтибкелаётганизланишларсамарасидирбунгатарихгувоҳликберади.

Эркакларнинг ҳам аёлларнинг ҳам либослари миллий бичими тўғри бичимга эга бўлиб улар жуда кенг ва узун бўлган. Миллий кийимлар бўлган чопонларнинг анъанавий бичимининг ўзгармас элементлари яхлит олд ва орт

бўлак, ён бўлак, енг қисми ва олд қисм қўшимчаларидан иборат бўлган. Фақатгина эркакларнинг чопонларида ёқалар бўлган ва уларга қавиқлар берилган. Эркаклар ва аёллар ички яхтак ва кўйлакларида ҳам бичим бир хил кўринишда бўлган. Кейинчалик аёллар кўйлаги замонавийлашиб ўзгариб борган.

Эркаклар яхтаклар олди очиқ учбурчак ёки горизонтал очиқли бўлган. Булар кифтакли ёки муллача кўйлаклар деб номланган. Яхталклар олди очиқ бўлган, улар асосан энсиз матолардан бичилган. Ён томонлари ва енглари бир энли, 30-32 сантиметрли матодан тенг кенгликда тикилиб, трапециясимон ёки тўғри бурчак шаклида бўлган. Учбурчак йирмочга эга бўлган яхтакларга ингичка тасма тикиб чиқилган бўлиб, кифтакли яхтак деб номланган. Кйинчалик бу учбурчак очиқли яхтакларга тик ёқа тикилиб, бўйлама чокларга эга бўлган. Горизонтал ёқали яхтаклар эса муллача кўйлак деб номланган. Бўйин қисмида эса тўқима жияклар тикиб безатилган (Иловада *24-расм*).

Уларнинг бичимлари хам анъанавий бичимда бўлиб яхлит олд ва орт бўлак, алохида ён бўлак ва енглардан иборат бўлган. Яхтаклар бичилишининг яна бир кўриниши яхлит олд ва орт бўлак ва яхлит енгдан иборат бўлган. Баъзи бир яхтакларга хиштаклар хам тикилганини кўришимиз хам мумкин.

Музей экспонатларини таҳлил этиш натижасида чопонларнинг бир неча-хил бичилиш усули бўлган эканлигини кўришимиз мумкин. Уларнинг барчасининг силуэтлари бир хил бўлиб, фақатгина қирқимларида ва ўлчамларида бироз фарқ қилган.

-яхлит орт ва олд бўлак, яхлит енг ва ён бўлак. Бу бичим асосанюпқа матоли чопонларга ишлатилган ва юпқа астар матосининг ўзи тикилган.

-яхлит орт ва олд бўлак, яхлит ён бўлак ва орт бўлак, алохида енг. Бу чопонларнинг бичис усули эркакларникига хос бўлиб, улар жуда кенг қилиб бичилган.

-яхлит олд ва орт бўлак, алохида орт ва олд ён бўлаклари, алохида енг ва олд қисм қўшимчаларида иборат бўлган чопон бичими.

- яхлит олд ва орт бўлак, алохида орт ва олд ён бўлаклари, алохида енг ва олд қисм қўшимчаси ва хиштакларда иборат бўлган чопон бичими. Бундай биххимдаги чопонларни иссиқ кунларда хам совуқ куларда хам кийишга. Совуқ кунларда кийиш мақсадида чопонларга пахта матоси солиб қавилган. Барча чопонлар астарли бўлган, астарнинг қуйи қисмига яримипак мато, ола адрас ёки дуруядан эни ярим метирли кенг чизиқ 6-7 сантиметр атрофида фаровез, тикилган (Иловада *25-расм*).

Таҳлил этилган адабиётлар ва ёзма манбаларга кўра турмушга чиқмаган қизлар кўйлаги бичимлари олд ўмизи горизантал, елкадан елкагача ўвал шаклида бўлган. Буларни кептакли кўйлак деб аташган. Қизлар турмушга чиқгандан сўнг кўйлаклари бичими аёллар кўйлак бичимига ўхшаб ўзгарган. Ёзма адабиётларни ўрганиш натижасида аёллар ва қизлар кўйлагини ўзгаришига сабаб, қизлар турмушга чиқгандан сўнг фарзандлик бўладилар ва фарзандларини эмизшга қулайлик бериш учун кўйлак олди вертикал холда ёқа ёки қирқимлар қилиб жияк билан безак берилган. Бу аёлларга қулайлик яратиш мақсадида бичимларга ўзгартириш киритилган.

Аёллар кўйлаги миллий бичими тўғри бичимга эга бўлиб улар жуда кенг ва узун пастага келиб кенгейиб кетувчи бўлган. XИХ асрнинг иккинчи ярмига келиб кўйлаклар аста ўзгариб теккис бир-хил бичимли этаклари ҳам торайиб енглари узун қўллар панжасини беркитувчи бўлган. Бу кўйлаклар қайчисиз матони эни баробарида қўл ёрдамида ертиб бичилган. XИХ аср охирига келиб эса эски бичим урфдан чиқти ва аёллар кўйлаги бичими ўзгариб борди. Кўйлаклар олд қисми вертикал бел қисмига қадар қирқимли, кесилган какетка тик турадиган ёқа ва енгларда манжетлар пайдо бўлиб бичимлар ўзгариб борганини кўришимиз мумкин (Иловада *26-расм*).

Аёллар чопонларнинг хам эркакларники сингари, бир неча-хил бичилиш усули бўлган эканлигини кўришимиз мумкин. Уларнинг барчасининг силуэтлари бир хил бўлиб,  фақатгина қирқимларида ва ўлчамларида бироз фарқ қилган.

-яхлит олд ва орт бўлакли, алохида ён бўлак, енг ва хиштакли. Баъзи бир чопонларда хиштаклар бўлмаганлиги билан фарқланади. Бу бичим анъанавий бичим тури бўлиб, барча чопон ва мурсакларнин бичилиши шундан келиб чиқганини кўришимиз мумкин.

-мурсакнинг яна бир кўриниши яхлит олд ва орт бўлакли, алохида ён бўлак, енгли бўлиб, фақатгина ён бўлакни енг қисмига улаш жойида, ён бўлакда бурмалар берилган. Бу аёллар қоматини янада нафис кўрсатиб берган. Бу бичим тури кенг тарқалган бўлган(Иловада *27-расм*).

- яхлит олд орт бўлакли ва алохида енг. Бу икки қисмга эга бўлган бичиш тури жуда осон бўлиб, улар асосан юпқа шои матоли ва юпқа астарли бўлган. Бундай чопонлар музей экспонатларини ўрганиш натижасида унча кўп учрамаган. Барча чопон ва мурсаклар анъанавий ва бир-вил бичимга эга бўлган. Совуқ кунларда кийиш мақсадида чопонларга пахта матоси солиб қавилган.  Чопонлар астарли бўлган, астарнинг қуйи қисмига ярмипак мато, ола адрас ёки дуруядан эни ярим метирли кенг чизиқ 6-7 сантиметр атрофида фаровез, тикилган (Иловада 28-35-расмлар).

Ўзбекхалқининганъанавиймиллийкийимлариниўрганишимиздамақсад йўқолиббораётганхалқмеросиниқайтатиклашдир. Ўзбекхалқининганъанавиймиллийкийимини, бичимларини, ривожланибвашаклланибборишигатаъсирэтганомилларниўрганиб, таҳлилэтибваанъанавиймиллийбичимтехнологиясиниишлабчиқишдан иборатдир.

## III боб.Лойиҳа қисми

### 3.1. Техник топшириқ

### 3.1.1 Кийим ҳақида маълумотлар

Техниктаклиф (Тт) бу-буюртмачинингтехниктопшириғиваэчимнингтурликўринишлариасосидаҳужжатларниишлабчиқишнингмақсадгамувофиқлигинининингтехникватехник-иқтисодийасосланишидир.

Ўхшашмоделларнитанлаш.

Ўхшашмоделларнитанлашнингўзигаярашаталаблрибўлибуларгалойиҳалаштирилаётганмоделгамослиги, сифатдаражасиҳақидагиахборотнингобъективлиги, ахборотнингдолзарб, фойдаливатанланаётганмоделларнинграқобатбардошлигигақўйиладиганталабларкиради.

Ўхшашмоделларнибахолаш.

Бунингучунбиринчибўлибсифаткўрсаткичларижадвалитузилди. Бужадвалнингасослариқилибистеъмолваишлабчиқаришваиқтисодийсифаткўрсаткичлариолинди. Сифаткўрсаткичларигаасосанмаҳсулотнингмўлжаллангaнфункцияси, истеъмолчинингёшватўлаликгурухи, модаёъналишигамутаносиблигивакомпозициятугалланганлигикиради. Бунданташқаридинамиквагигиэникуйғунлиги, маҳсулотданфойдаланишдагиқулайликваалоҳидаэлементлар, шаклишлашхусусияти, шунингдекматериалвамеҳнатсарфикабихусусиятларкўздатутилади.

Ўхшаш моделларнинг бадиий ечимининг анализи.

Бадиий ечимни таҳлил қилишда маҳсулот формасининг у мўлжалланганмақсадга мос келиш даражасига эътибор қаратилади. Шакл тасвири, архитектоника ватектоникаси баҳоланади.

Моделларнинг конструктив эчимларининг анализи.

Бу анализлойиҳалаштирилиши режалаштирилган модель ва унинг деталларининг конструкциясиучун энг оптимал вариантларни топиш мақсадида ўтказилади.Тўпланган маълумотлар асосида ўхшаш моделларнинг турли қисмларидагиэркинлик ҳақлари жадвал кўринишида қуйидагича тасвирланади. Анализ қилинганўхшаш моделларда миллий либосларнинг матолари танланган бўлиб, улар XX асраёлларининг кундалик эргономикасига мос бўлган.Лойиҳалаштирилаётган модель ҳозирги замон ёш аёлларигамўлжаллланганлиги учун ўхшаш моделларнинг ўлчамларини ихчамлаганҳолда конструктив эчимларидан фойдаланилади.

Техник –экономик анализ.

Бу анализни ўтказишда маҳсулот ишлабчиқариш билан боғлиқ барча сарф харажатлар ҳисобга олинади. Бу жараёндаасосий эътибор конструкторлик ҳужжатларини тайёрлашдаги харажатлар, меҳнат самарадорлигининг ошиши ва материалсарфининг камайишига алоҳида эътиборберилади. Олинган маълумотлар жадвал кўринишида ифодаланади.

***Таклиф этилаётган моделни ишлаб чиқишга асос***

Ҳозирги замонамизга келиб миллий либосларимизга қизиқиш кун сайин ортиб бормоқда. Ҳар бир вилоятнинг ўзига хос конструктив декоратив ечимлари эркаклар ва аёллар либосларининг ўхшаш томонлари бичимлардаги фарқли жиҳатлари, либосларда қўлланиладиган матолар дизайнерларни қизиқишларига олиб келади. Либослардаги кашта нақшлар,адрас. банорас, беқасам каби матоларнинг моҳирона фойдаланганлиги инсонларни ўзига жалб этади.

Қорақалпоқ миллий либослари ўзининг такрорланмас услублари билан бошқа воҳалардан ажралиб туради. Қорақалпоқ аёлларининг мураккаб либослари тўғри бичилган, қўнғироқсимон шаклга эга бўлсада, бу бичимлар аёлларнинг гўзаллиги, назокати ва латофатини янада очишга хизмат қилган.Улар қизил рангли либослар ва бош кийим устига сариқ, яшил, оқ рангли иплар билан кашта тикишган. Либосларнинг ёрқин ранги заргарлик буюмларининг кумуш рангини алоҳида ажратиб кўрсатишга ёрдам беради.Қорақалпоқ қизларининг анъанавий тўйлибоси айниқса эътиборни тортади.

Халқнинг санъати йилларнинг ўтиши билан ўзининг бадиий маъносиини йўқотади. Агар кийимларнинг айрим турлари заргарлик безашларнинг шакллари ёки уйнинг буюм нарсалари сақланган бўлса ҳам, уларнинг ўзидаги безашларини, яъни безашлар, бажарилиш техникаси ўзига хослиги, тузилиши ҳозирги замонавий ҳаётимизда ўзининг кенг қўлланишларини топиш мумкин.

XIX аср оҳири XX аср бошларига тегишли бўлган, Қорақалпоғистонда ва ундан ташқарида жойлашган музейларда сақланаётган миллий кашта нақшларини ривожлантириш босқичлари ишга туширилган. Шунингдек, бугунги кунда қадимги кашта турларини замонавий либосларда қўллаш, янада турларини кенгайтириш имкониятлари кўпайди.

**Лойиҳаланадиган кийимга қўйиладиган талаблар**

*Истеъмол талабларига қуйидаги талаблар киради:* Маҳсулотга шахсий фойдаланиш воситаси сифатида қўйиладиган гигиеник, утилитар, эргономик, эксплуатацион, функционал ва бошқа талаблар.

Маҳсулотга дизайн объекти сифатида қўйиладиган шакл ва таркибнинг миллий либосларга асосланганлиги .

*Ишлаб чиқариш ва иқтисодий талабларга қуйидагилар киради:*Лойиҳалаштирилаётган либос оммавий ишлаб чиқаришга

мўлжалланмаган бўлиб, унга бундай талабларнинг фақат айримлари қўйилади. Буларга реаллик ва мантиқийлик талаблари мисол бола олади[44].

*Лойиҳалаштирилаётган объект қўйилган сифат кўрсаткичларининг даражаланиши*

*1-жадвал*

| Сифат кўрсаткич номи | | Ранг |
|---|---|---|
| I Даража | II даража | |
| Истеъмолчи, шужумладан: | Гигиеник | 1 |
| | Эргономик | 2 |
| | Эксплуатасион | 3 |
| | Функционал | 4 |
| | Эстетик | 5 |
| Техник-иқтисодий | Унификасиялашвас тандартлаштириш | 3 |
| | Технологикжихатдан қулайлик | 1 |
| | Иқтисодий | 2 |

*Ўхшаш ва еталон моделлар характеристикаси*

*2-жадвал*

